Халқ зиёлилари рўзномаси

# Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ, ШАНБА

№59 (5655). Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

*Янгилаш даври, янгиланиш даври*

## ТУБ ЎЗГАРИШ МЕЗОНИ

### ЁКИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳондаги бошқа давлатлар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар олиб бориши, бу алоқаларнинг тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосида бўлиши учун ҳамма соҳада юксак малакали, билимдон, бир неча чет тилларини биладиган мутахассис кадрлар керак. Аммо бундай кадрлар ҳозирги пайтда кам. Шунинг учун ҳам замон талабига тўлиқ жавоб бера оладиган, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама камол топган, иқтисодий томондан жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларига етиб олишига, фан-техника тараққиёти ютуқларини тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган кадрларни етиштириш долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Халқ хўжалигининг барча жабҳалари учун зарур бўлган бундай кадрларни халқ таълими тизими орқалигина тайёрланади. Шу боисдан яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Халқ таълими тўғрисида Қонун қабул қилинди. У Ўзбекистонда халқ таълими тизимини тубдан қайта қуриш, уни янада такомиллаштириш, бу тизим таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга барча халқ таълими тизимида чинакам сифат ва самарадорликка эришиш учун уни янада такомиллаштириб бориш ҳаёт тақозосидир.

Бутун халқ таълими тизимида сифат ва самарадорликни кескин ошириш, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган юксак малакали ходимлар тарбиялаб етиштириш учун, бизнинг фикримизча, аввало, умумий таълим мактабларини тубдан қайта ташкил этмоқ зарур.

Маълумки, 60-йиллар бошида бир районда атиги бир нечта ўрта мактаб бўлиб, тўлиқсиз, ўрта мактабни битириб ўқишни давом эттиришни истайдиган ёшларнинг ҳаммаси шу ўрта мактабларга қатнаб ўқирди. Умумий-мажбурий ўрта таълим жорий қилингандан кейин эса ҳамма ерда, айниқса, Ўзбекистонда умумий таълим мактаблари орасида ўрта мактабларнинг ҳиссаси кескин ошди. Ҳозирги пайтда ҳар бир жамоа хўжалиги ва давлат хўжалигида 5—6 ва ундан кўп ўрта мактаб мавжул. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон» давлат хўжалигида 12 та мактаб бор.

Республикамиздаги бу ўрта мактабларнинг талайгина қисми таълим-тарбия жараёнини юксак савияда ўтказиш, унинг самарадорлигини тубдан яхшилашга имкон бермайди. Чунки улар мослаштирилган мактаблар эмас, балки кичкина-кичкина ўрта мактаблар бўлиб, моддий-техника базаси ниҳоятда бўш, кўргазмали ўқув жиҳозлари, техника воситалари кам, баъзи фанларнинг соатлари бир ставкага ҳам етмайди. Бу мактабларда юқоридаги каби кўплаб муаммолар мавжудки, булар ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатади ва кўрсатмоқда. Шунингдек, айрим ўрта мактабларнинг юқори синфларида 2—3 та синф бўлса, (одатда, 2 синфдан ошмайди), шундан биттасида у ёки бу фанни (масалан, математикани ёки чет тилини) чуқур ўрганадиган синф ташкил этилган. Бу маълум даражада ўз самарасини бермоқда. Аммо бир мактабдаги боланинг ярми у ёки бу фандан қобилиятли бўлмайди-ку!

Юқоридаги сабабларга кўра, агар биз келажакда ҳар томонлама камол топган, юқори малакали кўплаб кадрлар етиштириш, халқ таълими тизимида чинакам сифат ва самарадорликка эришишни истар эканмиз, яқин 4—5 йил ичида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

— ҳар бир жамоа хўжалиги ёки давлат хўжалигининг юқори синф болалари қатнашиши энг қулай бўлган жойда фақат битта ўрта мактабни (11 йиллик мактабни) қолдириш ва шу жамоа ҳудудидаги бошқа ўрта умумий таълим мактабларининг ҳаммасини тўлиқсиз ўрта (9 йиллик) мактабларга айлантириш; шаҳар ва район марказларида ҳам ҳозирги 3—4 мактабдан фақат биттасини ўрта (11 йиллик) мактаблигича қолдириб, бошқа ўрта мактабларни тўлиқсиз (9 йиллик) мактабларга айлантириш; тўлиқсиз ўрта (9 йиллик) мактабни битирган ўқувчилардан ўқишни давом эттиришни истайдиган қисмини (мажбурий эмас) марказий ўрта мактабга жалб қилиш; уларнинг ҳаммасини қобилияти ва хоҳишига кўра, танлов йўли билан у ёки бу фанни (масалан, математика, физика, биология, расм, мусиқа, чет тили, тарих ва бошқалар) чуқур ўрганадиган синфлар ташкил этиш; улар орасидан энг иқтидорли бир қисм болаларни иқтидорли болалар ўқиётган мактаб-интернатларга ёки лицейларга тавсия этиш;

— юқорида таъкидланган ҳудуддаги мактабларнинг энг малакали, новатор ўқитувчиларини марказий ўрта мактабда 10—11-синф ўқувчиларига дарс, таълим-тарбия беришга жалб қилиш; уларни моддий томондан рағбатлантириш, яъни у ёки бу фанни мураккаблаштирилган дастур асосида ўтганлиги учун 20—25 фоиз ошиқча иш ҳақи тўлаш;

— қисқа муддат ичида юқоридаги ўрта мактаблар 10—11-синфлари учун янги ўқув режалари, дастурларини ишлаб чиқиш ва шу дастур асосида 2—3 тадан муқобил дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш;

(Давоми 2-бетда).



Ёдингизда бўлса, яқинда ХХЮКда ўқув-кўргазмали қуроллар танлови ташкил этилганди. Унда кўплаб ўқитувчилар ўз ихтироларини кўз-кўз қилиш имкониятига эришишди. Самарқанд шаҳридаги 15-мактабнинг биология фани муаллими Эркин Йўлдошев ўзининг ўпка босими ва пневмографиясини аниқлайдиган мосламаси билан кўргазмада иштирок этди.

Суратқаш А. МАМАДАМИНОВ.

## ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

**Ўқув йилининг якунланиши муносабати билан халқ таълими тизимидаги барча билим ўчоқларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Янги синфхоналарни тезроқ битказиш, таъмирлаш ва тайёрлаш ишлари педагоглар олдидаги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.**

**Бу долзарб ишдан Андижон вилояти Асака шаҳридаги педагогика билим юртининг меҳнат жамоаси ҳам ортда қолган эмаслар. Чунончи, ўтган ҳафта бошидаёқ улар билим юртидаги мавжуд хоналарнинг барчасини янги ўқув йилига шай қилиб қўйдилар.**

**Галдаги вазифалар эса синфхоналарни техник жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган.**

**У. АЛИЕВА,**
**билим юрти директори.**

*Биринчи саҳифага мактуб*

## ЎЗБЕК МАКТАБИ БЎЛСИН

Коммунистик тузумнинг кейинги босқичида аралаш мактабларни очишни ташкиллаштириш ва уни кенг йўлга қўйишга эътибор кучайтирилган эди.

— Тошкент шаҳрининг Қўйлиқ даҳаси 1-, 2-, 3-, 4-мавзеларида бир нечта рус мактаби бўлгани ҳолда, бирорта ўзбек мактаби йўқ! Ёлғон бўлмасин, иккита рус-ўзбек — аралаш мактаби бор. Улардан бири — 125-мактабда бизнинг фарзандларимиз ўқиган ва ўқишади...

Табиийки, унда ҳанузгача русча таълим-тарбия устунлик қилиб келади. Яқин-яқинларгача бу мактабда кўргазма қуроллари, кимёвий лабораториялар ҳам фақат рус синфлари учун эди. Аммо ҳамон расм мусиқа, меҳнат, бадантарбия, ЭҲМ, ҳарбий таълим дарслари ўзбек синфларида рус тилида ўқитилишига нима дейсиз?! Рус синфларида инглиз тили ўқитилгани ҳолда, бу ерда ўзбек синфлари учун чет тили фани иккинчи даражали, француз тили ўқитилса ҳам бўлаверади деб қаралади! Эски ўзбек тили, араб тили дарслари ҳақида-ку сўз бўлиши мумкин эмас. Ўқитувчи йўқ эмиш... Мактабда ўзбекча маданий тадбирлар ўтказишдан ҳам кўнгил узишган, чунки... Ташкилотчи ўзбек тилини билмайди! Одобнома дарси номигагина, у ҳам фақат 10-синфларга ўтилади. Ажабо! Бола бошидан деганларидек, одоб ҳам ўқувчи биринчи марта партага ўтирган кундан ўтилмасмиди?

Хуллас, аралаш мактаблар биз учун самара бермайди. Ҳали ҳам бўлса, бу икки аралаш мактабни рус ва ўзбек мактабларига ажратиш, яқинимиздаги маҳаллалардан келадиган болаларга ўқиш учун етарли шарт-шароит яратиш керак.

**Тошкент шаҳар Қўйлиқ даҳаси, 4-мавзеида истиқомат қилувчи ота-оналар номидан**

**С. АҲМЕДОВ, Т. СОЛИЕВ, Ж. ШАРОПОВ.**

## • ВОҚЕАЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР •

### ТАШАББУС ЯХШИ ЯКУНЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ўқув-методика маркази ва Ўзбекистон кўрлар жамиятининг марказий бошқармаси ташаббуси билан Андижон вилояти Ниёзботир қишлоғи кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида республика кўзи ожизлар мактаблари аро математика фани бўйича олимпиада ўтказилди. Унда 10, 11, 12-синфдан 19 нафар ўқувчи қатнашди.**

**Олимпиада ғолиблари Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг 200 сўм миқдордаги стипендияси билан тақдирланди.**

**Э. МУҲАМЕДБОЕВА.**

•

### ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

**Қўшкўпир ноҳиясидаги Мичурин номли ўрта мактаб базасида экологик муаммоларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятининг барча ноҳияларидан 90 нафар маорифчи-зиёкор иштирок этди.**

**Семинар Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг назоратчиси С. Иброҳимов, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг йўриқчиси О. Собиров, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг биология кабинети мудири И. Матниёзов, Қўшкўпир ноҳияси халқ таълими бўлимининг мудири Б. Собиров, Мичурин номли ўрта мактаб директори Қ. Абдуллаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.**

**Ғ. ЁҚУБОВ,**
**мухбиримиз.**

•

### НАЗАРИЙ КЕНГАШ

Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳида профессор-муаллимлар илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Уни институт ректори, профессор К. Юсупов кириш сўзи билан очди. У бозор сиёсати билан боғлиқ мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан илдам боришда педагог-олимлар зиммасида турган масъулиятли вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Институт олимларидан профессор М. Зиёхўжаев, Р. Мавлоновалар «Халқ таълими тизимида янги информацион технология», «Узлуксиз таълимнинг замонавий тизими» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуман иштирокчилари келгусида таълимни янги информацион технологиялар ва амалий ютуқларсиз ривожлантириб бўлмаслиги ҳақида фикр юритиб, бунинг учун эса уни ўзлаштиришни кечиктирмаслик керак деган хулосага келдилар.

Анжуман иштирокчилари педагог-олимларнинг янги ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини яратишда фаол бўлиши зарурлигини таъкидлашди.

**М. ХЎЖАМОВ.**

## МАҲОРАТ СИНОВИ

**Яқинда мустақил жумҳуриятимизда биринчи марта Андижон вилоятининг Пахтаобод районидаги Чувама қишлоғида жойлашган 2-сон ҳунар-техника билим юртида қишлоқ хўжалиги соҳаларининг «Ер ҳайдаш ва таъмирловчи чилангар» касблари бўйича вилоятлараро «Энг моҳир мутахассис» кўрик-танлови ўтказилди.**

**Кўрик-танловда Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини Х. Ф. Маъсудов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ж. Х. Халилов, Пахтаобод райони ҳокими муовини И. Аҳмаджонов ва бошқалар иштирок этдилар.**

**Унда барча вилоятлардан 30 нафар ўқувчи иштирок этди. 3 босқичда ўтказилган кўрик-танловда назарий билимларни синаш, чилангарлик — таъмирлаш амалий ишларини ўтказиш, ўқувчиларнинг ер ҳайдаш бўйича кўникмалари ва маҳоратлари кўриб чиқилди. Ер ҳайдаш ишларида вилоятлардан келган 70 фоиз ўқувчилар берилган топшириқларни сифатли бажаришга ҳаракат қилдилар.**

**Танловда Андижон вилоятидаги 2-сон ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси А. Матмусаев биринчи ўринни, Тошкент вилоятидаги 19-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Ф. Мирисоев иккинчи ўринни, Андижон вилоятидаги 31-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Д. Қорабоев учинчи ўринни эгаллаб, ғолибликни қўлга киритишди.**

**Якуний йиғилишда ғолиблар ва танлов қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.**

**С. БОБОЖОНОВ,**
**жумҳурият ўқув-методика маркази ҳунар-техника таълими бўлими бошлиғи.**

## НУРЛИ УФҚЛАР

**Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 28 февралдаги Фармонига мувофиқ Ғ. Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институти Гулистон давлат университетига айлантирилди. Яқинда «Маърифат» рўзномасининг жамоатчи мухбири университет ректори, тарих фанлари доктори, профессор Комил Эшчоновга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.**

**МУХБИР:** — Комил Эшчонович, университет олдига қандай янги вазифалар қўйилган. Шу ҳақда фикрларингизни сўзлаб берсангиз.

**К. Э.:** — Институтни университетга айлантириш бирдан бир орзуимиз эди. Илмий-педагогик жамоамизнинг кўлами, моддий-техника ўқув базасининг етарлилиги, ўқув ва техника қуроллари билан таъминланиши жиҳатдан университет талабларига жавоб берарди. Бизга катта масъулият юкланди. Халқ таълими вазирлиги ихтиёридан Олий таълим вазирлигига ўтдик. Институтимиз аввал фақат ўқитувчилар тайёрлар эди. Эндиликда эса бошқа қатор мутахассисликлар ва бунинг устига илмий ходимлар ҳам тайёрлаймиз. Бу ишни иккинчи курсда ўқиётган талабалардан бошлаймиз. Авваллари педагог тайёрлашга асосий эътиборни қаратган бўлсак, энди айрим фанларни қисқартириб, талабаларни мустақил фикрлашга, илмий иш қилиш салоҳиятини ўстиришга диққатни қаратамиз.

Ривожланган капиталистик мамлакатлардаги университетларнинг яхши тажрибаларини ҳам қўлламоқчимиз. Масалан, агар талаба фанларни яхши ўзлаштирса, қобилиятини кўрсатса, биз бу талабаларни кафедра, деканатларнинг тавсиясига биноан яна икки йил ўқитамиз. Тўрт йил ўқиганларга ўқитувчи-бакалавр деган диплом берилади. Олти йил ўқиганларга эса магистр унвони берилади.

**М.:** — Университетда талабалар учун қандай имтиёзлар берилади?

**К. Э.:** — Авваллари илмий иш қилишга қурби етадиган йигит-қизлар марказий шаҳарларга тадқиқот олиб бориш учун шароитлари бўлмаганлиги туфайли бора олмас эдилар. Эндиликда ўзларини кўрсатишлари учун уларга имтиёзлар берилади. Улар диплом ишлари ёзишади, илмий рефератлар тайёрлайдилар, махсус курслар эшитадилар, илмий иш билан машғул бўлишади. Илм-фан тараққиёти, саводхонликнинг ошиши бугунги маънавий ва иқтисодий буҳрондан олиб чиқишга ёрдам беради.

**М.:** — Тошкент давлат университети ва бошқа қатор олий ўқув юртларидаги илмий потенциални у ердаги фан арбоблари, фан докторлари белгилайди. Университетда эса фан докторлари нисбатан оз эмасми?

**К. Э.:** — Гапингиз тўғри. Институт ва университетларга баҳо берилганда, фан докторларининг сонига ҳам қаралган. Бизда етук олимларимиз анчагина. Профессорлар И. Аҳмедов, Акром Каттабеков, Ваҳоб Раҳмонов, Нурқул Мамадиёров, Қаршибой Самадов, Босим Тўйчибоев, доцентлар Умрзоқ Ўлжабоев, Қозоқбой Йўлдошев, Ҳазратқул Қаршибоев, Ғофиржон Шокиров каби олимларимизнинг кашфиётлари халқ хўжалигига катта фойда келтирмоқда. Юқорида тилга олган олимларимизнинг бир гуруҳи олий ўқув юртлари, мактаблар учун дарсликлар яратишган.

Ҳозирча университетимизда 18 нафар профессорлар мавжуд. Яқин вақт ичида яна уч олим докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Сентябрь ойидан буён беш ёш ўқитувчи фан номзоди бўлди. 120 нафар фан номзодининг анчагина қисми докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда олийгоҳ қиёфаси фақат фан докторларининг сони билан эмас, балки уларнинг олиб бораётган ишлари билан белгиланади.

**М.:** — Университетда илмий фаолиятларни янада жонлантириш учун қандай ишлар режалаштирилган?

**К. Э.:** — Ҳар йили йигирмадан ортиқ ёшларни аспирантурага; стажировкага жўнатар эдик. Бозор иқтисодиёти пайтида аспирантурага кираётганлар, стажировкага бораётганлар учун университет пул ўтказиши керак. Аммо бу масалада имкониятимиз торроқ. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фанлар, адабиёт, биология бўйича олимлар етарли бўлганлиги учун аспирантура очмоқчимиз. Аспирантура сентябрдан бошлаб иш бошлайди: Бундан ташқари, илмий-тадқиқотларимизни босиб чиқариш, кенг халқ оммасига тарқатиш мақсадида кичик босмахона ҳам ташкил этилади.

**М.:** — Бугунги кунда ўқитувчи-олимларнинг яшаш тарзлари қандай?

**К. Э.:** — Бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда бутун оғирлик зиёлилар бошига тушди. Чунки ойлик билан яшаётган кишиларнинг турмуш кечириши қийин бўлиб қолди: ҳамма нарса ҳам 15—20 баробар ошиб кетди. 1200—1300 ойлик билан яшаш жуда оғир. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтай. Ўзбекистоннинг ўз пули бўлиши керак. Иқтисодий аҳволни яхшилаш учун махсус дастур ишлаб чиқилса. Зиёлиларга, яъни олимларга, ўқитувчиларга маълум имтиёзлар берилиши зарур.

Бугунги кунда бир тонна қоғоз эллик минг сўмга чиқди. Олим кўз нурини тўкиб, тадқиқот олиб боради, китоб ёзади. Лекин уни чиқариш муаммо бўлиб турибди. Китоблар жуда қимматлашиб бораяпти. Рўзномаларнинг нархи 20—30 баробар ошди. Талаба, зиёли китоб билан тирик. Уларни сотиб олиш учун эса маблағ етишмайди. Шунинг учун ҳукуматимиз раҳбарлари қоғоз, китоб масаласини қисқа фурсатда жиддий ўйлаб кўришлари керак. Айниқса, дарсликлар муаммоси жуда чатоқ. Олий ўқув юртлари ва мактаб дарсликларининг ижтимоий фанларга оидини тездан ҳозирги замон нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни давр тақозо қилмоқда.

**М.:** — Сиз тарихчисиз. Матбуотда қатор ижтимоий фанларни ўқитмаслик керак деган таклифлар айтилмоқда. Бу таклифларга Сизнинг муносабатингиз қандай?

**К. Э.:** — Очиғини айтиш керакки, Англиянинг собиқ бош министри Маргарет Тэтчер айтганидек, халққа 74 йил ёлғон ғоя, тўғрироғи, ҳаётдан узилиб қолган назарияни сингдиришга ҳаракат қилдик. Бугунги кунга келиб «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм» фанларини ўқитиш тўхтатилди. Уларнинг ўрнига сиёсий тарих, сиёсатшунослик, дин тарихи фанлари пайдо бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда кўппартиялик пайдо бўлди. Менимча, Халқ демократик, «Эрк», «Бирлик», «Ислом» каби бошқа партия ва ҳаракатлар тарихини ҳам ўрганиш керак. 74 йил бир партия тарихини ўрганганимиз энди етар. Биз жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб барча куллиётларда Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили, ўзбек адабиёти дарсларини жорий қилдик.

Университетимизда Ўрта Осиё мутафаккирларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашларини кенгроқ ўргатиш учун махсус курслар ташкил қилганмиз. Ҳозиргача тўлиқ ўқиб ўрганилмаган мутафаккирларнинг маданий мероси бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**М.:** — Илмий жамоада Амир Темур номидаги стипендия ташкил этиш керак деган таклиф айтилган экан. Бу борада бирон ижобий иш қилиндими?

**К. Э.:** — Улуғ бобомиз Амир Темурнинг туғилган куни — 9 апрелда бу йил биринчи маротаба унинг арвоҳига тиловат ўқилди, ош тортилди, эсланди. Амир Темурнинг қилган барча ишларини ҳозирги ёш авлодга етказиш керак, деб ўйлайман. Биз қуллигимиз туфайли улуғ инсонларимизнинг номини ҳам ҳимоя қила олмадик. Бугун мустақиллик сари қадам ташлаяпмиз. Бизни Амир Темур руҳи қўлласин. Биз талабаларимизнинг таклифини инобатга олиб, университет миқёсида энг талантли, иш юрита оладиган, ишбилармон, аъло ўқийдиган ёшларга бу стипендияни бериб борамиз.

**М.:** — Университет кенгаядими? Қандай куллиётлар очилади?

**К. Э.:** — Албатта, кенгаяди. Ҳозирча бир ўқув корпуси, иккита ётоқхона ўқитувчилар, талабалар дам олиб соғлиқларини тиклайдиган санаторий-профилакторий, лицей учун ўқув биноси қурилиши масаласини вилоят ҳокимияти билан келишган ҳолда Вазирлар маҳкамаси олдига қўйганмиз. Янгиер шаҳрида жойлашган лицейимиз Гулистон шаҳрига кўчирилади.

Университетимизда ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, асосла-

(Давоми 2-бетда).

# Одобнома



## БИЗ СИНАГАН ТАЖРИБА

Ўтган ўқув йилининг бошида ўзим раҳбарлик қилаётган 7-«А»-синф ота-оналар йиғилишида бир таклиф-ташаббус билан майдонга чиқдим. Кўпдан бери тинчлик бермай келаётган бу таклифим кўпчиликка маъқул бўлди-ю, лекин унга айримлар иккиланиб, шубҳа билан ёндашишди. Кейин эса баҳорги таътил тугаб, IV-чорак бошланиши арафасида мактаб ота-оналар комитетининг навбатдаги йиғилишига тўпландик. Комитет раиси Файзулла Бойназаров ўша эски ташаббусни эслатди, қизғин баҳс-мунозара бўлди. Ўз фарзандларининг келажаги билан қизиқувчи ота-оналар бу таклиф-ташаббусни маъқуллагач, қуйидаги мазмунда қарор қабул қилинди:

«...Мактаб мулкига зарар келтирган, парта, стол-стулларни синдирган, деворларга ёзиб ташлаган ўқувчи ўз хатосини ўзи тузатади, бузган жойларини ота-онаси кучи билан қайта таъмирлаб беради, жарима тўлайди...».

Кўтарилган ташаббус кучга кириб, ижобий самара бера бошлади. Синф журналларидаги дарс қолдирганлик, кечикканликни билдирувчи белгилар кескин камайди. Ҳали ҳеч қайси ота-она ўз фарзандининг номуносиб ишлари учун жарима тўламаган бўлса-да, кўзланган яхши натижаларга эришилди. Ўқув, тартиб-интизом кескин яхшиланди. Бу ибратли ташаббусимизни республикамиздаги бошқа ҳамкасбларимиз ҳам 1992-93-ўқув йилининг дастлабки кунидан бошлаб қўллаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти Пастдарғом ноҳиясидаги 24-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

## МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Кейинги пайтларда меҳр-шафқат, хушмуомалалик каби хислатлар ҳақида кўп гапиришга тўғри келмоқда. Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор.

Хўш, бунга ким айбдор? Кишилар нега бунчалар бепарво, лоқайд бўлиб қолишди? Бу саволга ҳамма — оила ҳам, мактаб ҳам, меҳнат жамоалари ҳам айбдор дегим келади. Шу мавзуда фикр юритарканмиз, бир воқеа ёдимга тушди.

Ёз кунларининг бирида бир онахон қўлида тугуни билан автобусда тик туриб келарди. У жуда толиққан, шекилли, ўриндиқда ўтирган бир жувонга: «Она қизим, ёш экансан, жойингни менга...» деганига минг пушаймон бўлди. «Омон бўл, болам, сен ҳам мендек қариб юргин», дея олди, холос. Ҳамма жим эди, фақат бир отахон сабри чидамай, ўтирган ўрнини бўшатиб берди.

Автобусларда, жамоат жойларида беўхшов қилиқлари билан одамлар ғашига тегувчи ёшларни ҳамма кўрсада, кўрмасликка олади. Албатта, тарбияли, жамиятга фойда келтирувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин тарбиясизлар оз бўлса-да, зиёни кўп тегади. Шундай экан, ҳаммамиз бу иллатга қарши бирдай курашишимиз керак.

Кейинги пайтларда рўзнома саҳифаларида берилаётган мақолалар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ахлоқ, одоб, инсонийлик ҳақида, меҳр-оқибатли, мурувватли кишилар тўғрисида ҳикоя қилувчи мақолаларнинг ёшлар тарбиясига таъсир қилиши табиий, албатта.

Зеро, келажагимиз давомчилари бўлган фарзандларимизга тўғри тарбия беришдан ҳеч ким четда қолмасин.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

## «ҚАЧОН ХАЛҚ БЎЛАСАН, ХАЛҚИМ!..»

(Давра суҳбати)

Дарахтлар тусини ўзгартиргани каби давр ҳам ўзгариб кетди. Узоқ йиллар армон бўлган ўзлигимиз, қадриятимиз, урф-одатларимиз, инсоний ғururимиз тупроқ остидаги кўкатдек дадил бош кўтарди.

Афсус ва надоматлар билан тан олиш керакки, бизнинг авлод ҳассасини йўқотган «кўзи ожиз нотавон» сингари турмуш чорраҳасида аросатда турибди. Оврўпо таъсирига сидқидилдан берилиб, «маданиятлимиз», деб юрганларнинг чала рус, чала ўзбек, чала нодон, чала доно эканлиги яққол сезилиб қолди.

Улуғ қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов «мангқурт» образини бежиз яратган эмас. Ўзбек драматурги Иззат Султон ўз асарларининг бирида «Қачон халқ бўласан, халқим!», — деганида, бу буюк халқнинг куюк қалбидан отилган нидодек янгради.

Ниҳоят, бошимизга офтоб тегадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Шундай порлоқ толе бизга ёр бўлган экан, азал-азалдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган урф-одатларимиз, тарбиявий ўгитларимизни қайта тикламоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Меҳр-оқибат кўтарилган мураккаб замонда инсоний, олижаноб туйғуни фарзандларимизга сингдиришимиз жоиз. Ана шундагина биз улардан эртанги кунда меҳр-оқибат кутишга ҳақлимиз. Машойихлар айтганидек, «Нима эксанг, шуни ўрасан».

Ёшларимизни эзгулик йўлида тарбиялаш учун зиёкорларимиз ғайрат ва масъулият билан ишлашмоқда. Аммо бу қилинаётган ишлар қониқарли эмасдек. Малакали педагоглар ҳамда мутахассислар бу масала хусусида қандай фикр юритмоқдалар? Қуйидаги давра суҳбатимиз — шу ҳақида. Унда қашқадарёлик бир гуруҳ зиёкорлар — вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Г. Аралова, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш билимгоҳи директори муовини Ж. Жиловов, етакчи мутахассис — Д. Муродова, Қашқадарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг собиқ директори, С. Саидов, мусиқа кафедраси мудири Б .Маҳмудов, Қарши шаҳридаги Ленин номли мактаб директори Э. Зоиров, Қарши район халқ таълими бўлими мудири Н. Абдураҳимов, Қарши шаҳридаги Гагарин номли мактаб ўқитувчиси Р. Эшмуродова, Й. Охунбобоев номли педагогика билим юртининг директори С. Тошев, боғча мудиралари Р. Раҳимова, С. Давлеканова ва бошқалар иштирок этишди.

Г. А: — «Одобнома» дарсларининг ўқув планига киритилганлиги яхши бўлди. Фарзандларимизни меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш, мустақил ҳаётга бекаму-кўст тайёрлаш биз педагогларнинг шарафли ва масъулиятли бурчимиздир. Қашқадарёдаги халқ таълими ходимлари ҳам бошқа вилоятдагилар сингари жон куйдириб ишламоқдалар. Бугунги давра суҳбатига ўз меҳнатлари билан ҳурмат ва эътиборни тортаётган ажойиб педагогларимиз йиғилишган. Амин бўлдимки, сизни қизиқтираётган масала бизни ҳам ўйлантириб турган муаммолардир.

М: — «Одобнома» дарслари ўтилиши кўнгилдагидекми? Умуман, бу дарсларни мактабларда қандай жорий этган маъқул?

Э. З: — Гап келганда тўғрисини айтиш керак. Ҳозир мактабларда ўтилаётган «Одобнома» соатлари унчалик дуруст эмас. Шунингдек, яратилган дарсликларни ҳам мукаммал деб бўлмайди. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. «Одобнома» дарсларини қуйи синфданоқ бошлаган маъқул.

М: — Эшим ака, Сизнинг тасарруфингиздаги мактабда «Одобнома» дарслари қандай ташкил этилган? Шу ҳақда бироз гапириб берсангиз?

Э. З: — Биз «Одобнома» тўғрисида фақат шу дарснинг ўзидагина эмас, балки бошқа дарсларда ҳам тушунча бериб боришга уриниб кўрмоқдамиз. Бундан ташқари, ҳали айтганимдек, «Одобнома» дарсларини бошланғич синфлардан ўқитсак деган фикр бор. Саволингизга кенгроқ жавоб беришни истардим. Болага одоб бериш, аввало, оиладан бошланиши, сўнг уни боғча, мактаб давом эттириши лозим. «Одобнома» қўлланмаларини яратаётган муаллифларимиз оилалар учун ҳам алоҳида китоб чоп этмоқлари даркор. Инсон қалбига эзгулик уруғи оиладаноқ тушгани маъқул.

Г. А: — Домланинг гапларига тўла қўшиламан. Фарзандларимизни тарбиялашда китобларнинг бизга катта фойдаси тегаяпти. Оилалар учун алоҳида «Одобнома» қўлланмаси яратилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Ж. Ж: — Мактабларимизда яқин кунларга қадар асосий эътибор таълимга қаратиб келинди, тарбиявий иш эса йўлйўлакай бажарилди. Шунинг учун ҳам нохуш ҳоллар ёшлар орасида жиноятчилик авж олиб кетди. Чорасини топиш эса қийин кечмоқда. Бу ўринда «Одобнома»нинг ўқитилишига катта умид боғлаш мумкин. Аммо мактабда 11 йил таълим олган ўқувчига бир йилгина «Одобнома»ни ўқитишнинг самараси бўлармикин? Айни кунларда «Одобнома»ни ўқитиш ҳар бир синф раҳбарининг ўзига топшириб қўйилганлиги ҳам кузатилмоқда. Бу ҳол, менимча, хато. Чунки синф раҳбарининг савияси бу дарсни ўтишга лойиқ бўлмаслиги мумкин. Ҳар томонлама баркамол, аввало, ўзи ниҳоятда одобли, маданиятли ўқитувчига топширилиши керак, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, «Одобнома» дарсларини қизларга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида ўтказилгани маъқул. Негаки, қиз болага уқдирилиши лозим бўлган гапни ўғил болалар олдида, ўғил болага айтилиши лозим бўлганини эса қизлар олдида гапириш ҳам ноқулай, ҳам беодобликдир.

С. Т: — Тўғри, теран гаплар айтилди. Мен Эшим Зоировнинг фикрига тўла қўшиламан. «Одобнома» мавзуида мукаммал дарсликлар яратилиши лозим. Яратилажак дарсликка эса «изчиллик» атамасини киритишни истардим. Ҳозирги дарсликларни мукаммал деб бўлмайди. Булар дарслик бўлиши учун дарслик режаси, дарсларда изчиллик бўлиши керак.

Шунингдек, «Одобнома» дарсларида ёшларимизни миллий руҳда тарбиялашимиз зарур. Қизларимизга хос ибо-назокат, нафосат, иффат, йигитларимизга эса мардлик, жасурлик сингари одамий хислатларни сингдиришимиз жоиз. Ҳамма гап тарбияда. Тарбия бўлмаган жойда маданият йўқ. Маданият бўлмаган жойда эса тараққиёт йўқ.

М: — Болалар боғчаларида ҳам «Одобнома» соатларини ўтказиш лозим, шекилли?..

Д. М. — Албатта, боғчаларда мунтазам равишда «Одобнома» машғулотларини, ҳатто, ҳар бир машғулотда кичкинтойларга одоб тўғрисида тушунча бериб бориш керак.

М: — Дилбар опа, боғчаларни миллийлаштириш деган гап пайдо бўлди. Бу давр талаби. Сизнинг бу хусусда фикрингиз қандай?

Д. М: — Аждодларимиз фарзанд тарбиясининг катта мактабини ўтаган. «Ўзингдан каттани ҳурмат кил, кичикка шафқат», «Отангни қуёш билсанг, онангни ой деб бил» сингари тарбиялаш усуллари, ўз-ўзидан маълумки, ёмон бўлмаган.

Ўтган замонларда одамлар меҳр-оқибатлироқ бўлишган. Ҳозирги баъзи ёшларга ўхшаб ота-онасини қариялар уйига жўнатмаган, ўз фарзандларини тирик етим қилиб «сағирхона»га топширмаган. Булар ота-боболаримиз ўгити, халқчил фикрлари туфайли эмасми?! Ҳозир-чи, ўзингиз биласиз, қандай воқеалар содир бўлмоқда, бу кўҳна оламда.

Боғчаларни, албатта, миллийлаштириш керак. Шунингдек, четдан кирган бўлса-да, ибратли одатларни ҳам сақлаб қолмоқ душвор. Фарзандларимиз тарбиясини шу йўсинда олиб борсак, ўйлайманки, кўп ютуқларга эришамиз.

С. Д: — «Мактабгача тарбия» ойномаси чоп этила бошлади. Биз буни узоқ кутган эдик. Ойномадан умидимиз катта. Истар эдикки, мазкур ойномада биз тарбиячилар учун «Одобнома» хусусида туркум мақолалар бериб борилса, биз ундан турмушда фойдалансак.

М: — Дарсликлар ҳақида кўп гапиряпсизлар. Шу ўринда битта савол: «Одобнома» дарсликларига ёки дарсларига «дин» тушунчасини киритса бўладими?

Э. З: — Ҳа, албатта, қуръон, ҳадислардан ибратли оятларни киритиш мумкин.

Ўрни келганда, шуни айтмоқчиман: Ўзбекистон ойнаи жаҳони «Одобнома» мавзуида кенгроқ кўрсатувлар тайёрласа бўларди. «Ота-оналар университети» сингари кўрсатувлар олиб ташланди. Бу тўғри эмас. Уни қайта экранга олиб чиқиш зарур. Ана шундагина бошлаган ишимизнинг самараси бўлиши мумкин.

М: — Раҳмат, мазмунли суҳбатингиз учун, ҳар бирингизга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.



Болага табиат ва жониворларга озор етказмасликни уқтиришдан олдин уни улар гўзаллигидан завқланишга ўргатмоқ керак. Негаки, нафисликни ҳис эта билган кўнгилда ҳеч қачон ғубор бўлмайди.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

## ФАРЗАНДИНГИЗ КИМ БЎЛМОҚЧИ?

Хонадон соҳиби бўлган ҳар бир ота-она ўз фарзандини — хоҳ у ўғил, хоҳ қиз бўлсин, энг аввало, яхши инсон ва бирор касб-кор эгаси бўлиб улғайишини, камолга етишини ўйлайди. Табиийки, мактаб ўқувчиси бўлган ҳар бир ёшнинг олдида «Ким бўлсам экан?», деган савол кўндаланг туради.

Фан-техника мунтазам юксалиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларни касб-ҳунарга эътиқод руҳида тарбиялаш, айниқса, муҳимдир. Келажакни олдиндан кўра билган ота-оналар буни ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар. Шундай оилалар борки, уйда ҳам, кўчада ҳам, мактабда ҳам ўз фарзандларининг камоли ҳақида ўйлайдилар ва тўғри қиладилар. Шундай ибратли оилаларни ҳамма жойда, жумладан, бизнинг Заркент қишлоғида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Мисол учун, Шарофат Ҳайитбоева, Ғофуржон Сотиболдиев, Умринисо Холматова, Азизбодом Ҳасанова, Иброҳимжон Ўринбоев, Собиржон Отажонов, Исоқжон Сапибоев, Охунжон Ўринбоевларни олиб кўрайлик. Булар бош-қош бўлган оилаларда бекорчи — беишларнинг ўзи йўқ. Вояга етган ўғил-қизларининг ҳаммаси бирор ихтисос ёки касб-ҳунар эгаси.

Бола асосан, оила қучоғида вояга етади. Бинобарин, унинг қандай улғайиши, ундаги мойиллик аломатларининг қай йўсинда қарор топиши оиладаги муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Оиладаги мавжуд муҳитнинг бирор қирраси бола эътиборидан четда қолмаслиги керак. Айниқса, ота-она, умуман, катталар машғулоти, уларнинг ихтисоси, касб-кори, қолаверса, шу мавзуга доир ўзаро суҳбатлар болаларда катта қизиқиш уйғотади. Шу тариқа катталар меҳнатининг моҳиятини, шу меҳнат туфайли оила фаровон яшнаётганлигини аста-секин тушуна боради. Шунинг учун оила даврасидаги суҳбат ва муносабатларда ҳам тарбиявий нуқтаи назар бўртиб туриши лозим. Педагогик тажриба ва кузатишлардан маълумки, аксарият ота-оналар ўз фарзандлари билан касб танлаш мавзусида умуман, суҳбатлашмайдилар. Пировардида эса бола раъйига қарамай, улар қизиқадими-йўқми ўзлари дилга тугиб юрган бирор ўқишга киритиш пайига тушиб қоладилар. Афсуски, бундай йўл билан мақсадга эришиш қийин. Шу жиҳатдан олганда, қишлоғимиздаги Робахон Қосимова билан Йўлдошбой Тожибоевлар оиласини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Р. Қосимова адабиёт ўқитувчиси, турмуш ўртоғи М. Тожибоев эса шофёр. Улар ўз фарзандларини фақат қизиққан касблари бўйича йўналтириб борадилар. Намунали оилалардан яна бири ўн уч фарзанд отаси Рустамбой ака ва Каромат опаларнинг оиласидир. Улар ҳам фарзандларига ўзлари қизиққан касб ва ҳунарни ўрганиб олишга йўллашди. Энди фарзандларнинг бири дурадгор, бири шофёр, бири тикувчи ёки тарбиячи, ҳамшира, бинокордир. Бу борада ота-онанинг хизмати беқиёс, албатта.

Шундай ҳам бўладики, айрим ота-оналарга ўғил ёки қизлари танлаган касби ёқмайди. Бола гарчи муҳандисликка қизиқса-да, ота-она «йўқ, врач бўласан» деб туриб олишади. Бундай муносабат боладаги иштиёқни сўндиришга олиб келади, холос.

Касб танлаш ишига бефарқ қараб бўлмайди. Дарвоқе, шу ўринда бу ишни қачондан бошлаш керак, деган савол туғилади. Албатта, қанча эрта бошланса, шунча яхши.

Кузатишларимга асосланиб шуни айтмоқчиманки, фарзандингизга VIII синфга ўтгач, улар билан касблар ҳақида атрофлича фикрлашиш, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Районимиздаги мактабларда ва мактабимизда касб танлашга йўналтириш кенгаши мунтазам ишлаб турибди. Оила, ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш, турли олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари касб-корга оид адабиётлар билан таништириб бориш, бошқа тарбиявий тадбирлар уюштириш кенгаш фаолиятининг қирраларидир.

Хуллас, ёшларнинг, йигит-қизларнинг тақдири ҳақида мактаб, оила, бугун жамоатчилик ҳамкорликда изчил иш олиб бориши лозим. Шундагина улар келгусида жамиятимиз учун муносиб кадрлар бўлиб етишишади.

К. МАҲМУДОВ,
Наманган вилояти, Янгиқўрғон районидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, жумҳурият халқ маорифи аълочиси.

КУЙИНЧАК МУШТАРИЙ МАКТУБИ

## ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ўзим ўқитувчиман. Шу боис матбуотда босилаётган одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолаларни диққат билан кузатиб бораман. Нафрат уйғотувчи нохушликларнинг ҳаммаси тарбияга боғлиқ эканлигини яна бир бор чуқурроқ англайман.

Халқимиз қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтмаган. Ота-онанинг хатти-ҳаракати, ўзаро муносабати бола тарбиясига катта таъсир қилиши табиий ҳол. Яқинда тарбиявий иш юзасидан бир танишимникида бўлдим. Танишим каттароқ лавозимда ишлар эди. Уйида ҳам лавозими катта эканини унутмади. Меҳмонни пойгакда қолдириб, ўзи уйнинг тўрига чиқиб ўтирди. Яна ёнбошлаб ҳам олди. Қўлидаги сигарет тутуни меҳмонга қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ўйламади ҳам. Хуллас, танишим халқимизнинг, меҳмон — отангдан улуғ, деган мақолини, умуман ўзбекона иззат-икромни аллақачон унутиб юборганини сездим. Унинг бу феъли фарзандларига ҳам ўтгани дарҳол билинди. Суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда юқори синфда ўқийдиган ўғли, қизи бирин-кетин кириб келди. Кийинишда ўқитувчиларини ортда қолдирадиган, юзларида кибр ва қўрслик мавж уриб турган бу азаматлар ҳам меҳмонга лоқайд, беписандлик билан ўз хоналарига ўтиб кетишаверди. Ана шундай оилани миллий удумлардан узилиб қолган оила деса бўлади.

Менинг бу танишимга ўхшаш кишилар эса ҳатто ўз миллатига мансуб кишиларни ҳам ҳурмат қила билмайдилар. Аммо ўзларидан юқорироқ мансабдаги кишиларга хушомадгўйлик қилишни яхши ўзлаштириб олганликларига ишончим комил. Ундайлар доно халқимизнинг «Аввал ўзингга боқ...» деган нақлини унутиб, ўзгаларга куладилар, улардан тарбия талаб қиладилар, ҳатто ўқитувчига ҳам танбеҳ берадилар.

С. НАЗИРОВ.

## ЎН ТЎРТ ФАЗИЛАТ

Донишмандлар қуйидаги ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг зарур деб билишган:

Риёзиёт: — Нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

Сукут: — Ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлашдан чекил, жим бўл.

Интизом: — Ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар, кечиктирма.

Мақсад: — Бир ишга киришмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирган ишингни ҳеч бир камчиликсиз бажар.

Тежаш: — Иқтисод, яъни тежашга риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарфлама, исрофдан сақлан.

Саъй ва шуғулланиш: — Вақт ва фурсатингни бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чекил.

Матонат: — Ишингда чидамли, матонатли бўл, ҳийла-найранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунчанг каби сўзла ва ишла.

Ҳаққоният, тўғрилик: — Адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар етказишга қасд қилма.

Мўътадиллик: — Ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчаликдан сақлан. Ноҳақ кишини ўзингга лойиқ кўриб ундан интиқом олишга журъат этма.

Назокат: — Кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй-жойингнинг тоза-покизалигига диққат қил.

Қалб ҳузур-роҳати: — Майда-чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб, саломатлигингни бузма, қалбингнинг ҳузур-ҳаловатини кўзла.

Иффат: — Адабли, шарм-ҳаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажралма.

Тавозе: — Ўзингни камтар тут, тавозе шараф ва иззат босқичи эканини унутма.

Мулойимлик: — Сабрли, мулойим, очиқ чеҳра, ширинсухан бўл. Ҳеч кимга қўпол муомала қилма.

А. ЭРГАШЕВ.

## УЧРАШУВ

Чироқчи ноҳиясидаги 16-ўрта мактабда «Одобнома» дарслиги муаллифи, Тошкент молия институти тарих кафедрасининг мудири Мусоқул Усмонов билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечада мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси З. Мирзаев Мусоқул Усмоновнинг ижодий йўли ҳақида гапириб берди. Шунингдек, учрашувда қишлоқнинг пиру бадавлат отахонлари — Абдуғани бобо, Хайруллахон бобо ва Тўра боболар ҳам Мусоқул Усмоновнинг одоб-ахлоқ бобида амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқлигини таъкидладилар.

Одобшунос олим М. Усмонов ҳамюртларининг диққатини ҳозирги кунда одоб-аҳлоқ масалаларининг долзарблигига қаратди.

Х. ЭРГАШЕВ.

